Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

**Кун иқтибоси**

*Бугунги давр барчамиздан янгича фикрлашни, замон шиддатига мос суръатда ишлашни тақозо этаяпти.*

Шавкат МИРЗИЁЕВ

# Ishonch

2019 йил 27 июль • шанба • № 91 (4220)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## МАҚСАДИМИЗ – САМАРҚАНДНИ ЖАҲОН ТУРИЗМ МАРКАЗИГА АЙЛАНТИРИШ, АҲОЛИ УЧУН ЗАМОНАВИЙ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва йирик лойиҳалар билан танишиш мақсадида 26 июль куни Самарқанд вилоятига ташриф буюрди.**

Давлатимиз раҳбари сафарлар чоғида туман ва шаҳарларда бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтириш, саноат, туризм, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш каби соҳаларни жадал ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароити яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратади. Шу асосда дастурлар тузилаяпти, уларни амалга ошириш бўйича йўл хариталари тасдиқланиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида 2019-2020 йилларда амалга ошириш белгиланган умумий қиймати 19,6 триллион сўмлик 987 лойиҳанинг 572 таси бўйича 2,3 триллион сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиб, 300 таси тўлиқ якунига етказилди. 4 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш доирасида 88,2 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилди. Бу 2018 йилнинг шу даври билан таққослаганда, қарийб 1,5 баробар кўпдир.

Инвестиция дастурига кўра, бу йил Самарқанд вилоятида 565,7 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиб, 151 объектда қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Ҳозиргача 22 мактаб, 8 тиббиёт муассасаси ва 12 ичимлик сув объектида белгиланган ишлар якунланди.

Президентимиз Самарқанд халқаро аэропортида мазкур ҳаво дарвозасини ривожлантиришга оид лойиҳа билан танишди.

1927 йилда фаолият бошлаган аэропортда 2009 йилгача бир неча марта қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган. Лекин бугун аэропортнинг йўловчиларга хизмат кўрсатиш имкониятларини замон талаблари даражасида, деб бўлмайди. Бу ердан ҳафтасига 37 марта хорижий ва маҳаллий парвозлар амалга оширилиб, йил бошидан буён 220 минг йўловчига хизмат кўрсатилган.

Кейинги йилларда юртимизда туризмни ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар туфайли Самарқандга келадиган сайёҳлар оқими сезиларли даражада ошди. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг дастлабки олти ойида вилоятга 1 миллион 433 минг турист ташриф буюрган. Уларнинг 227 минг нафарини хорижлик сайёҳлар ташкил этади. Ушбу рақамларни икки йил олдинги кўрсаткичлар билан қиёслаганда, туристлар оқими тўрт баробар ошганини кўриш мумкин. Келгусида сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш, бунинг учун зарур инфратузилма яратиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар Самарқанднинг ҳаво дарвозаси имкониятларини ҳам кенгайтиришни тақозо этаяпти.

Тақдим этилган лойиҳага кўра, аэропортда соатига 600 йўловчига хизмат кўрсатадиган янги терминал қуриш, учиш-қўниш йўлагини реконструкция қилиш, самолётлар турарговҳини кенгайтириш, радиолокация тизимларини такомиллаштириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари қурилиш ишларини сифатли ва белгиланган муддатларда амалга ошириш, миллий меъморлик анъаналарига риоя этиш кераклигини таъкидлади. Аэропорт фаолиятида замонавий бошқарувни жорий қилиш, реконструкция ишлари амалга оширилаётган пайтда эса Самарқандга поезд ва автобуслар қатновини кўпайтириш, аҳоли ва туристларга муқобил қулайликлар яратиш бўйича кўрсатмалар берди.

Аэропортни халқаро стандартлар асосида ривожлантириш мамлакат иқтисодиёти учун жуда муҳим. Аксарият давлатлар халқлари юртимизни кўҳна Самарқанд орқали тасаввур қилади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ҳақида гапирганда, аввало, бу қадим шаҳарни тилга оламиз. Тўғри, айни пайтда вилоятга туристик қатновлар асосан «Afrosiyob» тезюрар поездлари орқали амалга оширилмоқда. Аммо халқаро транспорт тизимида бундай имкониятлар яратилмаган. Ҳақиқат шуки, Буюк Ипак йўлини бирлаштирган шаҳарлар орасида Самарқандчалик қадим тарихга эга манзил йўқ. Афсуски, шунга мос инфратузилма яратишга аввалроқ эътибор қаратмадик, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз аэропортнинг бугунги ҳолати талаб даражасида эмаслигини қайд этиб, мутасаддиларга унинг сиғимини ошириш, камида 20 самолётга хизмат кўрсатадиган замонавий инфратузилма ташкил этиш ва бу ишларни бир ярим йиллик муддатдан кечиктирмай бажариш юзасидан топшириқлар берди.

2 ▸

Таҳлил

## «Тез ёрдам» чақиришнинг ҳам ўз мавриди ва маданияти бор

**Мамлакатимизда шаклланган шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизматининг инсон ҳаёти ва саломатлигини асрашдаги ўрни ниҳоятда муҳим.**

Президентимизнинг 2018 йил 25 январдаги «Шошилинч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мазкур йўналишда ишларнинг тезкорлиги, сифат ва самарадорлигини янада ошириш, кадрлар салоҳиятини юксалтириш, илм-фан янгиликларини тиббиёт амалиётига кенг татбиқ этишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

**ЎН МИЛЛИОНДАН ЗИЁД МУРОЖААТ**

Маълумотларга кўра, ҳар йили мамлакатимиз шошилинч тиббий ёрдам хизмати орқали аҳолининг 10 миллиондан кўпроқ мурожаатлари қондирилади. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва унинг ҳудудлардаги филиаллари ҳамда бўлимларида икки юз минг нафардан кўпроқ беморга юқори технологияга асосланган энг мураккаб тиббий амалиётлар ўтказилади.

Кейинги икки йил ичида давлат бюджетидан соҳа учун қарийб 1500 та ихтисослаштирилган автотранспорт харид қилинди ва ҳудудларнинг ушбу техникага бўлган эҳтиёжи тўлиқ қопланди.

Эндиликда юртимизда ҳар 13 минг аҳолига битта махсус тез ёрдам машинаси хизмат кўрсатади. Бу борада ривожланган давлатлар тажрибасини кузатсак, уларда 20-25 минг кишига битта махсус автотранспорт воситаси тўғри келади. Демак, бу жиҳатдан мамлакатимиз тиббиёти халқаро андозалар даражасига кўтарилди. Айни пайтда тез ёрдам автопаркини замонавийлаштириш ишлари тизимли давом этмоқда. 2021 йилгача «Дамас» автомашиналаридан тўлиқ воз кечилиб, халқаро андазалар даражасида жиҳозланган замонавий тиббий ёрдам машиналарига ўтилади. 2019 йил якунига қадар барча тез ёрдам машиналарида қулай



алоқани, чақириқлар учун машинани тезкор йўналтиришни таъминловчи GPS тизимини тўлиқ йўлга қўйиш белгиланган.

3 ▸

Шахсий фикр

## Илмий унвон нимага керак?

**Яқинда бир шогирдим арз қилиб қолди:**

*– Илмий иш қилаётиб, илмий кенгаш, Олий Аттестация Комиссиясининг талабларидан юрагим безиллаб қолди. Тўрт ойдан бери семинарни кутаман.. Шеригим тўрт ойдан бери авторефератини ОАКка олиб боради. У ердагиларнинг талабича авторефератнинг биринчи жумласи жаҳондаги ўзгаришлар, иккинчи жумласи бу ўзгаришларнинг аниқ кўринишлари, учинчиси амалга оширилган тадбирлар ва қабул қилинган расмий ҳужжатлардан иборат бўлиши керак экан. Булар бир бет-у тўрт қатордан ошмаслиги керак. Диссертациядаги илмий янгилик, вазифалар, амалиётга жорий этилгани ҳақидаги маълумотлар эса тўртта бўлиши шарт. Қизиқ, диссертациядаги илмий янгиликлар, вазифалар сони айнан тўртта эканини ОАКдагилар ҳали диссертацияни ўқимасдан туриб қаердан билар экан? Диссертация – илмий ижодий иш, унда фақат тўртта эмас, балки ўнта илмий янгилик бўлиши ёки умуман янгилик бўлмаслиги ҳам мумкин. Ахир баъзи тадқиқотлар мавжуд тажрибани умумлаштиришдан иборат бўлиши мумкин-ку?!..*



4 ▸

Жаҳон ҳалол туризм бозорида йирик экспертлардан саналадиган

CRESCENT RATING

агентлиги (Сингапур)

«Жаҳон мусулмон сайёҳлари индекси»

Global Muslim Travel Index (GMTI)

рейтингини эълон қилди.

Унда юртимиз, ўтган йилга нисбатан **10 поғона** юқорилаб, **22-ўринда** қайд этилган.

Мазкур рейтингда **130 та** мамлакатнинг мусулмон сайёҳлар учун таклиф этиладиган хизматлари **40 дан ортиқ** мезонлар асосида баҳоланди.



*Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси*

### КУН НАФАСИ

Вазирлар Маҳкамасининг «**Фарғона вилоятида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни жадаллаштириш ва саноатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**»ги қарори қабул қилинди.

**lex.uz**

* * *

**«Тунги вақтда фаолият юритувчи умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларда жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

**«Ҳуқуқий ахборот» канали**

* * *

Ҳукумат қарори билан **Хорижий давлатларда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатларни тан олиш** тартиби ҳақидаги низом тасдиқланди.

**«Ҳуқуқий ахборот» канали**

* * *

**Равшан Ғуломов** Президентнинг иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, инвестиция ва ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш масалалари бўйича маслаҳатчиси этиб тайинланди.

**kun.uz**

* * *

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири **Абдулазиз Комилов** Хитой Халқ Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси **Цзян Янни қабул қилди.**

**mfa.uz**

* * *

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири **Абдулазиз Комилов** Ҳиндистон Республикасининг фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган **Сантош Жани қабул қилди.**

**mfa.uz**

* * *

**Акрам Муҳаматқулов** Президент Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги PR-марказига раҳбар этиб тайинланди.

**aoka.uz**

* * *

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги **Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги** тўғрисидаги низом тасдиқланди.

**daryo.uz**

* * *

Жиззах вилоятидаги «Фориш» тоғ-дала полигони илк маротаба жорий йилнинг август ойида V Халқаро армия ўйинлари дастуридаги «Ҳарбий-тиббий эстафета» йўналиши бўйича мусобақаларга мезбонлик қилади.

**uza.uz**

* * *

Тошкент шаҳар, Олмазор тумани Талабалар шаҳарчасида Олий таълим муассасаларининг ўқитувчи, мураббий ва илмий ходимларига **2019–2020 йилларда 6 та 9 қаватли арзон уй-жой** қурилиши белгиланди.

**kun.uz**

**ishonch.uz:**

### «Матбуот бонг уради!»

NURONIY

ХОДИМЛАР ҚЎНИМСИЗЛИГИ... БУНГА КИМ САБАБЧИ?

Zarafshon

ОШХОНАДА АНТИСАНИТАРИЯ ҲОЛАТИ

Qashqadaryo

ЗАР ҚАДРИНИ БИЛГАН ЗАРГАР

ЖАМИЯТ

ХИТОЙЛИКЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОҚА ОЛАДИ, БИЗ-ЧИ?

XXI ASR

КИТОБГА ҚАЙТИШ ВИЖДОНГА ҚАЙТИШДИР

OILA DAVRASIDA

«ПОЕЗДИНГНИ ЖИЛДИРГАН... НИКОЛАЙ ЗАМБАРАГИ»

**Келгуси сонларда ўқинг!** >>>>>>









# МАҚСАДИМИЗ – САМАРҚАНДНИ ЖАҲОН ТУРИЗМ МАРКАЗИГА АЙЛАНТИРИШ, АҲОЛИ УЧУН ЗАМОНАВИЙ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШ

◂1

Шавкат Мирзиёев Самарқанд шаҳридаги Ислом Каримов мақбара-мажмуасига ташриф буюриб, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти қабрига гул қўйди. Қуръон тиловат этилиб, марҳумнинг ҳаққига дуо қилинди.

Нуронийлар, уламолар билан суҳбатда Ислом Каримовнинг халқимиз, давлатимиз манфаати йўлидаги хизматлари, инсоний фазилатлари ёдга олинди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятига ташрифи давомида Оқдарё туманидаги «Pure milk Oqdaryo» фермер хўжалиги даласида бўлиб, миришкорлар билан суҳбатлашди.

1 минг 360 гектар ер майдонига эга мазкур фермер хўжалиги 634 гектарда пахта, 50 гектарда ғалла, 366 гектарда озуқа ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинларини парваришламоқда. 400 нафардан ортиқ кишининг бандлиги таъминланган.

Хўжалик аъзолари жорий йил ғалладан 283 тонна ҳосил олиб, 135 миллион сўм фойда кўрди. Ғалладан бўшаган майдонларга чорва учун озуқа сифатида маккажўхори экилган. 2100 бошдан зиёд йирик шохли қорамол боқилаётган фермер хўжалиги учун бу айни муддаодир.

Ғўза майдонларини хориж технологияси асосида томчилатиб суғориш жорий этилган. Бу минерал ўғит ва сув сарфини камайтириш, агротехника ишлари самарадорлигини ошириш ҳамда экин парвариши билан боғлиқ харажатларни қисқартиришда муҳим омил бўлмоқда. Бугунги кунда бир туп ғўзада 3-4 дона кўсак, 7-10 дона гул, 10-12 дона шона мавжуд. Хўжалик аъзолари бу йил пахта ҳосилдорлигини 45 центнерга етказишни режалаштирган.

Президентимиз мамлакатимизда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалигида ҳам асосий устувор мақсад халқимиз манфаати эканини қайд этиб, қайси маҳсулот кўпроқ даромад келтирса, ўшани экиш, бунинг учун уруғчилик ва нав танлашга алоҳида эътибор бериш, соҳага илмий ёндашиш зарурлигини таъкидлади. Вилоятдаги фермер хўжаликлари ва кластерларда томчилатиб суғоришни кенг жорий этиш, ҳосилдорлик паст майдонларда ғалла экишни қисқартириб, юқори даромад келтирадиган мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш учун минитехнологиялар етказиб бериш бўйича кўрсатмалар берди.

Қандай қилиб одамларнинг даромадини оширамиз, деган савол мени ҳар куни ўйлантиради. Аслида бу савол барча раҳбарларнинг тинчини бузиши керак. Тўғри фойдаланишни билсак, ҳар бир ҳудуд, ҳар бир соҳада кенг имкониятлар бор. Қишлоқ хўжалигида янги технологияларни жорий қилиб, ҳосилдорликни ошириш, хомашёни қайта ишлашни йўлга қўйиш лозим. Маҳсулот қайта ишланса ҳам даромад кўпаяди, ҳам янги иш ўринлари яратилади. Манфаатдорлик юқори бўлиши учун сарфланган харажатни қоплаб, фойда кўришни кўзлаб, меҳнат қилиш керак. Эртанги куни бугунидан яхши бўлиши учун ҳар бир одам ўзи ҳаракат қилмоғи зарур. Ҳозирги замонда ким ютади – интилган ютади, меҳнат қилган ютади, деди давлатимиз раҳбари.

Вилоятнинг сайёҳлик салоҳиятини янада ошириш, туристлар учун замонавий шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида Самарқанд туманидаги эшкак эшиш канали атрофида туристик марказ қуриш режалаштирилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев бу ерга ташриф буюриб, марказ лойиҳаси билан танишди. Унда белгиланишича, мажмуа учун 360 гектар ер ажратилиб, 80 гектарида анжуманлар саройи, меҳмонхоналар ва бошқа объектлар қурилиши мўлжалланган. Меҳмонхоналар 3, 4 ва 5 юлдузли бўлиб, барча тоифадаги сайёҳларни қамраб олади. Шунингдек, сайилгоҳлар, сузиш жойлари, сунъий оролчалар, ресторанлар ташкил этилади.

Самарқандга келган сайёҳлар, маҳаллий аҳоли дам олиш учун қаерга боради? Ҳозирча айтарли, кўзга кўринган бундай жой йўқ. Шунинг учун чет эллик сайёҳлар асосан тарихий обидаларни кўриш ва муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш билан чекланмоқда. Ваҳоланки, Самарқандда туристлар дам олиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун шароит яратишга имконият жуда катта. Ҳудудда бу масалага алоҳида эътибор қаратилади. Бу маскан зиёрат туризми билан ҳамоҳанг бўлиши, халқимиз, чет эллик сайёҳлар бу ерга келиб мароқли ҳордиқ чиқариши учун ҳар томонлама қулай жойга айланиши керак. Турист Самарқандга бир-икки кунга эмас, бир неча кунга келсин, кетиш ҳақида ўйламасин. Бу Самарқанд иқтисодиёти учун яна бир ўсиш нуқтаси бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йил 9-10 июль кунлари Самарқандда МДҲ Туризм кенгашининг навбатдаги мажлиси ва Ҳамдўстлик мамлакатларининг биринчи туристик ярмаркаси ўтказилди. Мазкур тадбирлар чоғида юртимизга, жумладан, Самарқандга чет эллик сайёҳларни жалб этиш бўйича хорижий фирма ва компаниялар билан 50 дан ортиқ шартнома имзоланди. Шунингдек, бу йил Самарқанд шаҳри Жаҳон сайёҳлик шаҳарлари федерациясига (WTCF) аъзо бўлди. Яқин йилларда Самарқанд шаҳрини туристик хабга айлантириш режалаштирилаяпти.

Бу саъй-ҳаракатлар туфайли келаси йилларда вилоятга сайёҳлар оқими кескин ошиши шубҳасиз. Хусусан, жорий йил 510 мингдан зиёд хорижлик меҳмон келиши кутилмоқда. Икки йилда бу кўрсаткични 2 миллионга, мамлакат бўйича эса 10 миллионга етказиш мўлжалланган.

Бунинг учун Самарқандда сайёҳликни ривожлантириш учун муносиб шароит зарур. Шу мақсадда 2019-2020 йилларда вилоятда туризм соҳасида қиймати 220 миллион доллар бўлган 164 лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Айни пайтда бу борада изчил ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизга вилоятда кўп қаватли уй-жойлар қуриш, ичимлик суви ва оқова тармоқларини модернизация қилиш, Самарқанд шаҳрини марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминлашни яхшилаш борасидаги ишлар тўғрисида ҳам маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари аввалги йилларда вилоятга ташрифи чоғида кўҳна шаҳар аҳолисининг уй-жойга эҳтиёжи йил сайин ошиб бораётгани ва уни қондириш учун Самарқанд марказида, қурилиш меъёрларига тўғри келса-келмаса, уй-жой қуравергандан кўра, теварақда замонавий бинолар барпо этиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Ана шу топшириқ асосида ўтган йили Самарқанд тумани Қорасув массивидан шаҳар учун 50 гектарга яқин ер ажратилиб, кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа объектлари қурилиши бошланди. 2018 йилнинг ўзида «Ўзшаҳарқурилишинвест» инжиниринг компанияси буюртмаси асосида жами 1 минг 344 хонадондан иборат 7 қаватли 32 арзон уй барпо этилди. Бундан ташқари, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси томонидан Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия хизматчилари ва ёш оилаларга мўлжалланган 5 қаватли 12 турар жой қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ҳудудга минглаб аҳоли кўчиб келишини ҳисобга олиб, таълим ва тиббиёт муассасалари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, умуман, аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун нимаики зарурат бўлса, барчасини шу ернинг ўзида яратишга эътибор қаратилди. Бугун ушбу маскан том маънода замонавий шаҳарча кўринишини олган.

Президентимиз жорий йил 11 январь куни вилоятга ташрифи чоғида янги массивда бўлиб, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишган, шаҳарчани янада кенгайтириш бўйича топшириқлар берган эди. Шундан келиб чиқиб, қўшимча равишда 16,4 гектар майдон ажратилди ва «Agromir bildings» корхонаси томонидан 2019 йилда 18, 2020 йилда 59 кўп қаватли уй қурилиши белгиланган. Ҳозир бу ерда хорижий давлатларнинг илғор қурилиш технологиялари асосида 12, 14 ва 16 қаватли уйлар барпо этилмоқда.

Бундан ташқари, айни пайтда Ургут ва Тайлоқ туманларида ҳам ана шундай уйлар қурилишига киришилган.

Президентимиз янги уйларни адолатли тақсимлаш, қурилиш ишлари сифатига алоҳида аҳамият бериш, ичимлик суви ва оқова тармоқларини яхшилаш, Самарқанд шаҳрини марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминлаш борасидаги ишларни жадаллаштириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд туманидаги «Agromir» масъулияти чекланган жамиятида бўлиб, мева-сабзавотни қайта ишлаш жараёнини кўздан кечирди.

Юртимизда етиштирилган сархил мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари таъми, сифати ва фойдали элементларга бойлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун хорижда Ўзбекистонда пишиб етилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаб катта.

«Agromir» мева-сабзавотни қайта ишлаб, ички бозорни шарбат ва шира, концентратлар, паста, пюре ва консервалар билан тўлдириб, экспорт қилиб келмоқда.

Қарийб 450 киши доимий иш билан таъминланган корхона йилига 60 минг тонна шарбат ва нектар, 6 минг тоннага яқин концентрат ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, ҳозир бу ерда жами 42 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

2018 йилда корхонада умумий қиймати 160 миллиард сўмлик 53 минг тонна, жорий йилнинг биринчи ярмида 72 миллиард сўмлик 24 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ўтган йили 2,1 миллион доллар, жорий йилда 5,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди.

Айни пайтда корхонага қарашли хўжаликларда мева-сабзавотнинг истиқболли навларини етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Фермер ва деҳқон хўжаликлари билан буюртма асосида ишланади.

Давлатимиз раҳбари корхона цехларида мевани қайта ишлаш жараёнини, тайёр маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

Ишлаб чиқариш ва қадоқлаш цехларига Швейцария, Италия ва Германиянинг шарбат, пюре ва паста ишлаб чиқариш бўйича энг замонавий технологиялари ўрнатилган. Бу корхона маҳсулотларининг Ўзбекистон бозорида етакчи ўрин эгаллашида қўл келмоқда.

Бугунги кунда «Agromir» маҳсулотлари таниқли брендлар остида Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон, Озарбайжон, Тожикистон, Афғонистон каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Чет эллик истеъмолчиларга шарбат ҳолидаги тайёр маҳсулотлардан ташқари концентратлар ҳам етказиб бериляпти.

Танишув чоғида харидоргир, жаҳон бозорида талаб юқори бўлган экспортбоп маҳсулотларни кўпайтириш ва савдо географиясини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Президент Шавкат Мирзиёев Самарқанд туманида вилоят фаоллари, секторлар раҳбарлари, нуронийлар, фермер ва тадбиркорлар иштирокида йиғилиш ўтказди.

Сизлар билан йил бошида учрашиб, вилоятда амалга ошириладиган лойиҳалар, бунёдкорлик ишлари, умуман, халқимиз ҳаётини, турмуш даражасини ошириш юзасидан улкан вазифаларни белгилаб олган эдик. Ўтган олти ой давомида бу вазифалар нечоғли бажарилгани барчамизга яхши маълум. Ижобий натижалар ҳам, ечимини кутаётган масалалар ҳам салмоқли. Бугун Самарқандга келиб, яна сизлар билан фикрлашиб олиш, белгилаган режаларимизни ўз вақтида ҳаётга татбиқ этишни шиддатли даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Замон шунчалик тез ривожланаяптики, яқин ва узоқ хорижий давлатлар, ҳамкор мамлакатлар иқтисодиётини таҳлил этиб, ўзимизнинг йўлимизни танламасак, глобаллашув шароитида жаҳонда ўз ўрнимизга эга бўлмасак, олдимизга қўйган мақсадларни амалга ошириш қийин кечади. Шу нуқтаи назардан, Самарқандга бу галги сафаримиздан асосий мақсад вилоятда туризмни ривожлантириш, тадбиркорлик ва қайта ишлашни кенгайтиришни жадаллаштиришга, янги режа ва вазифаларни белгилаб олишга қаратилган, деди давлатимиз раҳбари.

Шавкат Мирзиёев вилоятда саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тармоқларда муайян натижаларга эришилаётган бўлса-да, Самарқанднинг иқтисодиётини мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишда туризм соҳаси асосий йўналиш бўлиши кераклигини таъкидлади. Афсуски, ҳали бу борадаги имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Шу билан бирга, боғдорчилик, мева-сабзавот етиштиришда ҳам эришилаётган натижалар бошқа ҳудудлар билан солиштирганда оқсаётгани кўрсатиб ўтилди. Вилоятда айнан мана шу йўналишга ихтисослашган туманлар бор. Бу жойларда энди фақат маҳсулот етиштириб, уни хомашё ҳолида сотишдан кўра, қайта ишлаб, тайёр маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни кўпайтириш, замонавий мини-технологиялардан фойдаланиш зарурлигига эътибор қаратилди. Шу мақсадда мева-сабзавот етиштиришни ривожлантиришга 400 миллион доллар, туризм инфратузилмасини такомиллаштиришга 100 миллион доллар ажратилиши маълум қилинди.

Давлатимиз раҳбари туман ва шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш, «Ургут» эркин иқтисодий зонаси салоҳиятини кенгайтириш борасида топшириқлар берди.

Туман ва шаҳарлар ўртасида ўзига хос рақобат муҳитини яратиш масалаларига эътибор қаратилди. Шу мақсадда тажриба тариқасида Каттақўрғон тумани ва шаҳри ҳамда Ургут тумани ўзаро мусобақалашишини таъкидлади. Бу Самарқанд тажрибаси сифатида кейинчалик мамлакат бўйлаб оммалаштирилиши қайд этилди.

Туманларда амалга оширилаётган лойиҳалар, ислоҳотларнинг бориши юзасидан сектор раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрида инфратузилмани такомиллаштириш, саноатни ривожлантириш, инвестициявий жозибадорликни ошириш борасидаги вазифаларга ҳам тўхталиб ўтди. Жумладан, Самарқандни «туристик хаб»га айлантириш зарурлигини таъкидлаб, Бош вазир ўринбосарлари ва вилоят ҳокимига шу масала юзасидан кўрсатмалар берди.

Тадбиркорликни ривожлантириш бўйича 23 июлда ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган тизим асосида ишлаб, муҳитни ўзгартириш, тадбиркорларга ҳамма шароитни яратиб бериш зарурлиги қайд этилди.

Барча саъй-ҳаракатларимиз, мақсад-муддаомиз халқимизнинг бугунги ҳаётидан рози, эртанги кунидан кўнгли тўқ бўлишига қаратилган. Буни ҳар бир раҳбар юракдан ҳис қилиши ва зиммасидаги улкан масъулиятни чуқур ҳис этиб, меҳнат қилиши лозим. Шуни унутмайликки, кечаги услуб, қотиб қолган қарашлар билан олдимизга қўйган мақсадларга эришиб бўлмайди. Бугунги давр барчамиздан янгича фикрлашни, замон шиддатига мос суръатда ишлашни тақозо этаяпти, деди Шавкат Мирзиёев.

Президент ҳокимлар ва секторлар раҳбарларига ҳар бир туман иқтисодиётини ривожлантириш бўйича топшириқлар берди.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Самарқанд вилоятига ташрифи якунига етди.

**ЎзА**

---

*Наманган вилояти*

Муносабат

**Баъзан кўча-кўйда «Касаба уюшмасида ишлайсизми? Ўзи нима иш қиласизлар?» ёки «Шунча ишловчидан йиғиладиган аъзолик бадалини нимага сарфлайсизлар?» каби саволларни беришади. Одамнинг «қитиқ-пати»га тегадиган саволлар-а? Шундай кишилар учун «Чиндан билишни истасангиз, сизга газетанинг мана шу саҳифаси кифоя!» дея жавоб қайтаргулик мақолалар эълон қилинди.**

## Чиндан билишни истасангиз, газета ўқинг...




Гап яқинда «Халқ сўзи» ва «Ishonch» ва газеталарида чоп этилган «Ижтимоий ҳимоя сўзда эмас, амалда бўлиши керак» сарлавҳали суҳбат-мақола хусусида кетмоқда. Долзарб масалалар кўтарилган мазкур суҳбат касаба уюшма ташкилотларининг бошланғич бўғинларида ўқиб, ўрганилмоқда. Зеро, мақолада ҳақли таъкидланганидек, «...асосий ишлар меҳнат жамоаларида, яъни заводлар, шахталар, фермалар, касалхоналар, мактабларда амалга оширилади».

Мақолада бугунги касаба уюшмасининг «йўл харитаси»ни кўрсатиб бера оладиган кўплаб устувор фикрлар берилгани айни муддао бўлди. Хусусан, аъзоликка жалб этишдаги муаммолар, мажбурий меҳнат элементларини бартараф этиш босқичлари, иш вақти меъёрларини қатъийлаштириш борасида касаба уюшмаси томонидан амалга оширилаётган ҳаракатлар ҳақидаги мулоҳазалар кўпчиликка маъқул бўлмоқда.

Шахсан ўзим Норин туманидаги кўплаб бошланғич ташкилотлардаги муҳокамаларда иштирок этдим. Касаба уюшмасидан фақат оромгоҳ ёки санаторийга йўлланма олишда фойдаланувчи қатламнинг фикрини тубдан ўзгартирувчи мақолани кўпчилик ўқиётгани, бир-бирига тавсия қилаётганининг гувоҳи бўлмоқдаман. Бу эса матбуот орқали тез-тез мана шундай чиқишлар қилиб туриш касаба уюшма аъзоларига фойдали эканлигини кўрсатмоқда.

* * *

Яқин ўтмишда матбуот одамларнинг нафақат янгиликка бўлган эҳтиёжини қондирган, балки саводхонлик даражасини юксалтирувчи манба вазифасини бажарган. Фарзандига тўғри ёзишни ўргатаётган ота-она имло луғатидан ҳам олдин газета саҳифаларини варақлаган. Охирги пайтларда «Ishonch» газетаси мана шу мақомни қайтаришга эришмоқда.

Айтмоқчи бўлганим шуки, касаба уюшмалари фаолияти ҳақида чиндан билишни истасангиз, «Ishonch»ни ўқинг...

**Мирзанозир ҚОРАБОЕВ,**
Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири

---

Эзгуликка йўл

**Америка Қўшма Штатларида яшовчи ўзбек ватандошларимизнинг бир гуруҳ фарзандлари тарихий юртида бўлиб, Ўзбекистондаги қариндошлари билан учрашишди, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Юсуфхона қишлоғида жойлашган «Ёшлик» оромгоҳида ҳордиқ чиқаришди.**

## «Олисда яшасак-да, меҳри тортади»

Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон – Америка» дўстлик жамияти ҳамкорлигида амалга оширилди.

Ўзбекистон металлургия комбинатининг «Ёшлик» оромгоҳи икки нафар кузатувчи раҳбарлигида ташриф буюрган 10 нафар болажонни ўн кун давомида ўз бағрига олди. Комбинат раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси беғараз кўмак сифатида дам олиш харажатларини қоплади.

– Америкада яшасак-да, Ўзбекистон биз учун жонажон Ватан ҳисобланади, – дейди Мадинабону Ашурова. – Юртимизга келиб унинг илиқ меҳрини дилдан ҳис этдик. Оромгоҳда кечган онларимиз бир умрга хотирамизга муҳрланди. Ушбу маскан остонасига қадам қўйишимиз билан байрамона тадбирга гувоҳ бўлдик. Бу ерда дам олаётган 150 га яқин болалар қўлларида миллий байроқчалар, ранго-ранг пуфакчалар ва Ватанимизни мадҳ этувчи шеърлар, қўшиқлар билан қарши олганидан беқиёс даражада тўлқинланиб кетдик.

Дарҳақиқат, оромгоҳда меҳмонлар учун барча шароит яратиб берилди. Маданий-маърифий тадбирлар, таниқли маданият ва санъат арбоблари билан ижодий учрашувлар, спорт мусобақалари, саёҳатлар хорижда яшовчи ўзбек ўғил-қизларининг она тилини мукаммал эгаллаши ва кўплаб дўстлар орттиришига имкон яратди.

Айниқса, таниқли шоира Умида Абдуазимова, ижодкорлар Мунира Рамазонова ва Ботир Эргашев иштирокидаги шеърият кечаси уларда катта таассурот қолдирди.

«Алло, биз талантларни қидиряпмиз» деб номланган кўрик-танловда инглиз, ўзбек ва рус тилларида айтилган шеър ва қўшиқлар дилларда мисли кўрилмаган ҳаяжон уйғотди.

Меҳмон ватандошларимизнинг оромгоҳда ўтказилган авиамодель ва ракетамодель викторина-кўригида фаол қатнашиб, биринчи ўринни эгаллагани байрамона кайфиятни янада алангалатди. Дам олишнинг сўнгги кунида «Дўстлик» фестивали ўтказилиб, Ўзбекистон металлургия комбинати раҳбарияти, касаба уюшма қўмитаси ва тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши томонидан ватандошларимиз фарзандларига совға-саломлар тақдим этилди. Ўз навбатида, АҚШнинг Чикаго шаҳридаги «Ўзбек – Америка ассоциацияси» президенти Олим Шарипов оромгоҳ кутубхонасига бадиий китоблар тўплами ва эсдалик совғаларини туҳфа этди.

Йигирма кунлик ташрифнинг якуний қисмида Самарқанд шаҳрига саёҳат уюштирилди.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ОАВ ходимларига мазкур лойиҳа якунлари ҳақида атрофлича маълумот берилди. Унда «Ўзбек – Америка ассоциацияси» президенти О.Шарипов раҳбарлигидаги бир гуруҳ ўзбек ватандошларимиз, дўстлик жамиятлари мутасадди ходимлари, турли вазирлик ва ташкилотлардан таклиф этилган меҳмонлар қатнашди.

Айтиш жоизки, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси «АҚШдаги ватандошлар билан маданий ва маърифий алоқаларни йўлга қўйиш» лойиҳаси доирасида қатор ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, қўмита томонидан АҚШда яшовчи ўзбек ватандошлар билан қатор видеоконференциялар ташкил этилди, мунтазам мулоқотлар олиб борилди.

Америкалик миллатдошларимиз фарзандларининг ўз тарихий ватанига уюштирилган ташрифи ҳам бу йўналишдаги эзгу ишлардан бўлиб, уларнинг ўз она тилини янада мукаммал эгаллаши, тарихни чуқурроқ ўрганиб, миллий ғурури шаклланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Шоикром ИСРОИЛОВ,**
Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари




# «Тез ёрдам» чақиришнинг ҳам ўз мавриди ва маданияти бор

◄1

Шошилинч ва тез тиббий ёрдам муассасаларини дори-дармон ва тиббий буюмлар билан таъминлаш ҳам 3 баробарга кўпайди. Яъни, бугунги кунда ҳар бир чақириқ учун минимал харажатлар 5000 сўм миқдорида белгиланди. Бу кўрсаткич 2016 йилда 748 сўмни, 2017 йилда 1627 сўмни ташкил этарди.

Маълумки, юртимизда шошилинч ҳолатларда кечиктириб бўлмайдиган биринчи тиббий ёрдам илгари фақат давлат тиббиёт муассасаларида бепул кўрсатилар эди. Эндиликда мулк шаклидан қатъи назар, хоҳ давлат, хоҳ хусусий тиббиёт муассасалари бўлсин, фуқароларга шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам бепул кўрсатилиши белгилаб қўйилди. Бу ҳам аҳоли учун катта қулайликдир. Қолаверса, шошилинч ёрдам кўрсатиш хизматлари тизимида call-марказлар ташкил этилиб, у ерда шифокорлар фаолият юритиши, «тез ёрдам» машиналари GPS-мосламалари билан жиҳозланиши халқимизнинг саломатлигини муҳофазалашда муҳим омил бўлмоқда.

### КЕЧИКИШ САБАБЛАРИ НИМАДА?

Шошилинч тиббий ёрдам тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар муайян натижаларни бераётгани, бу аҳолининг барча қатламига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш қамровини кенгайтираётгани қувонарли ҳол. Бироқ, ҳали соҳада ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, «тез ёрдам»нинг чақириқ жойига кечикиб бориш ҳолатлари учраб туради.

Хўш, давлат томонидан барча замонавий шароитлар яратилаётган, «тез ёрдам» хизмати автотранспорт таъминоти борасида ривожланган давлатлар кўрсаткичидан ҳам юқори даражага кўтарилган бўлса, нега яна бундай муаммо кун тартибига кўтарилмоқда, деган савол туғилиши табиий. Мавжуд ҳолат ўрганилганда, асоссиз ва ёлғон чақириқлар, «тез ёрдам» машиналарига йўл бермаслик ёки кўчалар, хонадонларга кириш йўлларининг тўсиб қўйилгани «тез ёрдам» хизмати сифатига жиддий тўғаноқ бўлаётгани аниқланди. Зеро, тез тиббий ёрдам хизматида вақт энг қадрли мезон ҳисобланиб, ҳар бир дақиқа бемор учун ҳаёт-мамот масаласидир.

### ҚАНЧА ВАҚТ БЕЛГИЛАНГАН?

– Тез тиббий ёрдамга тушган чақириқлар устуворлик бўйича икки гуруҳга ажратилади, – дейди Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси бош шифокор ўринбосари Илҳом Аслонов. – Беморнинг ҳаёти ва соғлиғига жиддий хавф соладиган жароҳатлар ва касалликлар, яъни, йўл-транспорт ҳодисалари, баландликдан йиқилиш, фавқулодда ҳолатлар, беморнинг ҳушдан кетиши, турли шок ҳолатлари, профуз қон кетиши, туғруқ, терининг термик куйиши ёки совуқ уриши, беморнинг кимёвий моддалар ёки дори воситаларидан ўткир заҳарланиши, ток уриши шошилинч ҳолатлар ҳисобланиб, бундай чақириқларга 20 дақиқадан кечикмай етиб бориш зарур.

Маълум бўлишича, иккинчи тоифага шошилинч бўлмаган, бироқ тезкор тиббий ёрдам кўрсатилиши зарур бўлган чақириқлар киради. Беморнинг юрак ритми бузилиши (аритмия), астма хуружи, ҳаракат фаолиятининг тўсатдан бузилиши, ўрта ва енгил тан жароҳатлари, аллергия, бош оғриғи, қорин, кўкрак қафасидаги оғриқлар, психиканинг ўткир бузилиши, буйрак хуружи, қусиш, тошма, юқори иситма (перорал дори воситалари қўлланилганда ҳам иситма тушмаса), ўткир пешоб ажралмаслиги ҳолатлари бўйича «тез ёрдам» чақирилганда, 30 дақиқа ичида етиб бориб тиббий ёрдам кўрсатиш лозим.

### АСОССИЗ ЧАҚИРИҚЛАР

– Бугунги кунда «тез ёрдам»га тушаётган чақириқларнинг 30-40 фоизи бу тоифаларнинг ҳеч бирига тўғри келмайдиган асоссиз чақириқлардир, – дея сўзида давом этади Илҳом Аслонов. – Аксарият ҳолатларда у ёки бу сурункали касаллиги бор беморлар гоҳ қон босимини ўлчатиш, гоҳида қайсидир уколни қилдириш учун ҳам «тез ёрдам»ни чақираверади. Йилига минг маротабадан кўп мурожаат қилган шундай беморлар ҳам бор. Аслида, улар оилавий поликлиникаси ёки қишлоқ врачлик пунктига мурожаат этиб, умумий амалиёт шифокори тавсияси асосида муолажаларни узлуксиз тарзда тўғри олиб борса, аввало, ўз соғлиғи учун фойдали.

Республика бўйича чақириқларнинг атиги 15 фоизи госпитализация қилиниши, яъни бемор шифохонага олиб кетилиши, 85 фоизига эса жойида хизмат кўрсатилиши ҳам «тез ёрдам» чақирадиганларнинг аксарияти аслида тез ёрдамга муҳтож эмаслигини англатади. Агар халқаро тажрибага назар солсак, масалан, Европада чақириқларнинг 85 фоизида госпитализация қилинади.

Ёлғон қўнғироқлар ҳам учраб туради. Бундай вазият оддий чақириқдан кўра кўпроқ вақт олади, шифокор ҳам, тиббий ёрдам машинаси ҳам банд бўлиб қолади. Бундай вазиятда шу атрофда яшайдиганларни куннинг қайси маҳали бўлишидан қатъи назар, безовта қилиб, сўраб-суриштириб, бундай манзил ҳақиқатда мавжуд эмаслигини тасдиқлатиш керак бўлади.

«Тез ёрдам»га йўл бўшатиш ҳам ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолардан бири. Тараққий этган хорижий давлатларда йўлларда «тез ёрдам» машиналари учун алоҳида йўлаклар барпо этилган. Бу йўллар доимо очиқ туради. Шу билан бирга, «тез ёрдам»га йўл бўшатиб бериш бўйича ҳайдовчиларда масъулият ҳам, маданият ҳам юқори.

Мамлакатимизда кейинги йилларда бунёдкорлик ишлари жараёнида бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани қувонарли ҳол, албатта. Аммо қилиниши керак бўлган ишлар ҳам талайгина. Чунки, йўлларимизда «тез ёрдам» машинасига йўл бермаслик ҳолатлари тез-тез учрайди. Қачонки, машина чақирув сигналини ёқсагина, йўл бўшатилиши мумкин. Чақирув сигналига парво қилмайдиганлар ҳам йўқ эмас.

Ҳолбуки, бу ҳаётда ҳеч бир инсон тасодифий бахтсиз ҳодисалардан, соғлиғи билан боғлиқ муаммо юз беришидан кафолатланмаган. Шундай экан, ўзининг ва ўзгаларнинг соғлиғи учун ҳамиша эътиборли ва масъулиятли бўлиш инсонийликнинг муҳим қоидасидир.

### САЛОМАТЛИКНИ ҲИМОЯЛАШ КУЧАЯДИ

Барчамизга яхши маълумки, тиббиёти тараққий этган аксарият мамлакатларда аҳолига тез ва шошилинч тиббий хизмат кўрсатиш тизимида ҳам пулли хизмат ёки тиббий суғуртадан фойдаланилади. Мамлакатимизда эса бу хизмат давлат томонидан молиялаштирилади. Ҳар бир чақириқ нархи давлатга 75-80 минг сўмга тушади. Кейинги йилларда бу хизматни молиялаштириш ҳажми ортиб бормоқда. Соҳа ривожига келгуси 3 йил давомида 604,2 миллиард сўм йўналтирилиши, шу билан бирга, 2020 йилдан эътиборан тез тиббий ёрдам хизмати авиация техникаси билан ҳам таъминланиши кўзда тутилаётир.

Бундан ташқари, жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб парамедиклар фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Қолаверса, «тез ёрдам» хизмати ва тиббиётнинг бирламчи тиббий-санитария муассасалари ўртасида интеграцияни кучайтириш ва мувофиқлаштириш ҳам доимий эътиборда. Кейинги йилларда бир қатор қишлоқ оилавий поликлиникаларида «тез ёрдам» шохобчалари очилди. Албатта, ана шундай муҳим ислоҳотлардан мақсад, аввало, халқимизнинг манфаатларини муҳофазалаш, саломатлигини ҳимоялашдир.

### БАРЧАНИНГ БУРЧИ БОР

Миллий маънавиятимизни асло камситмаган ҳолда чет элликлардан ҳам ибрат оладиган баъзи жиҳатларга эътиборингизни қаратишни истардим. Хорижликлар «тез ёрдам»га мурожаат қилар экан, операторнинг беморнинг аҳволи бўйича сўраган ҳар бир саволига аниқ-тиниқ жавоб беришга ҳаракат қилади. Масалан, беморнинг ҳаётий кўрсаткичлари – тана ҳарорати, қон босими, томир уриши ва бошқа маълумотларни беришга ҳаракат қилади. Бу ҳол, аввало, бемор учун ўта фойдали. Чунки, шошилинч вазиятларда ҳар бир лаҳза ғанимат. Ўз вақтида, тўғри ёндашув асосида биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўп ҳолларда бемор тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнайди.

***Бизда-чи? Оператор беморнинг яқинидан беморнинг аҳволи ҳақида сўраса, «мен қаердан биламан, тезроқ етиб кел», дея дағдаға қилишдан қайтмайдиганлар ҳам бор. Баъзилар эса «тез ёрдам»ни ташвишга қўйганидан ийманибгина «беморимизнинг бироз тоблари қочди», дея мурожаат қилади. Аслида, вазият анча жиддий бўлади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам юртимизда ижтимоий адолат принципи устувор. Ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири ётибди. Шу боис, «тез ёрдам» ҳамиша хизматингизга ҳозир. Фақат бу хизматдан фойдаланар эканмиз, давлатимиз бу борада яратиб бераётган имкониятларга жавобан масъулиятли, эътиборли бўлсак кифоя.***

**Обиджон ДИЛМУРОДОВ,**
Шошилинч ва тез тиббий ёрдам масалалари бўйича маҳаллий координатор




Жамоатчилик назорати

# БОЛТАНИНГ «ҲАҚИ»

## ёхуд дарахткесарлик жазоси

**Самарқандда дарахтларнинг кесилгани кенг жамоатчиликни ташвишга солди. У фаоллар ўртасида кенг муҳокама қилиниб, сўнг ҳуқуқий баҳосини олди.**

Жорий йилнинг 1 июль куни «Alexandr Hotel» МЧЖ директори Акбар Қутбитдинов Самарқанд шаҳар давлат хизматлари маркази орқали шаҳар ҳокимлиги, вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасига мурожаат қилган. У ушбу мурожаатда Мирзо Улуғбек кўчасида жойлашган «Афсона» аквапарк ҳудудидаги 10-12 туп дарахтни кесиш ва буташга рухсат сўраган.

Мурожаатни вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси мутахассислари ўрганиб чиққанда аквапарк ҳудудида 13 та ( 2 туп тут ва 11 туп чинор) дарахт борлиги маълум бўлган. Бошқарма мутасаддилари 11 туп чинорнинг ён шохларини буташ, танаси ғоваклашган 2 туп тутни эса кесиш мумкинлиги ҳақида далолатнома тузган. Бироқ бу иш фақат шаҳар ҳокимлиги рухсати билан амалга оширилиши лозимлиги тўғрисидаги маълумот Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказига электрон тарзда юборилган.

Тақдим этилган ҳужжатларни ўрганган Самарқанд шаҳар ҳокимлиги мутахассислари 10 июль куни кўкариб-яшнаб турган дарахтларни кесишга ҳам, буташга ҳам рухсат бермайди.

Аммо А. Қутбитдинов дарахтларни кесиш ва буташга розилик бўлмаса-да 2 туп тут ва 2 туп чинорга болта солдиради. Бу вазифани аквапарк ҳудудида ободонлаштириш ишларини бажариб юрган Машраб Каримовга юклайди.

Кенг жамоатчилик саъй-ҳаракати билан ўзбошимчалик тегишли баҳосини олди. Суд ҳукмига асосан «Alexandr Hotel» МЧЖ раҳбари 2 миллион 27 минг 300 сўм, М. Каримов 1 миллион 216 минг 800 сўм миқдорида жарима тўлайди. Бундан ташқари, ўсимликлар дунёсига



етказилган 66 миллион 900 минг сўм зарарни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судига даъво аризаси киритилди.

– Ўтган йиллар давомида кўҳна шаҳардаги кўплаб дарахтлар кесилиб кетди. Эндиликда бундай бебошликка йўл қўйилмаётганидан мамнунмиз, – дейди Самарқанд шаҳрида яшовчи меҳнат фахрийси Садриддин Асллиддинов.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
«ISHONCH»

Оғриқ тишлар

**Сўнгги вақтларда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясига келиб тушаётган мурожаатларнинг асосий қисми коммунал тўловлардаги нореал қарздорликлар юзасидан бўлаётир. Мажбурий ижро бюроси ходимлари томонидан ташлаб кетилган маълумотда «отнинг калласидай» қарздорликни кўрган ҳар қандай инсон, айниқса, коммунал тўловларни ўз вақтида тўлайдиган юртдошларимизга бу салбий таъсир этиши турган гап.**

# ҲАВОЙИ ҚАРЗДОРЛИК

## ёхуд коммунал тўловлардаги чалкашликлар қачон барҳам топади?

### ИККИ ЮЗ ҚИРҚ УЧ МИЛЛИОН СЎМ?

Баъзи бир асоссиз қарздорликлар шу даражадаки, беихтиёр ҳайратдан ёқа ушлайсан киши. Йўқса Жиззах шаҳар «Зилол» маҳалласида яшовчи Севара Абдуллаева хонадонига 243847148 сўм қарздорлик ёзилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Федерацияга мурожаат қилган Севара Абдуллаева бу қарздорлик умуман ёлғон эканлигини баён қилиб, ҳолатга аниқлик киритишни сўраган. Мутасаддилар барча ҳужжатларни ўрганиб, қайта ҳисоб-китоб қилиб, бу қарздорликни нореал деб топди. Энг қизиғи, С.Абдуллаева электр энергияси учун олдиндан 214947 сўм ортиғи билан тўлов қилган экан.

Жиззах вилояти Бахмал туманида яшовчи Х.Саидмуродов ҳар ой пенсия пулидан электр энергияси учун тўловларни амалга ошириб келган. Шунга қарамай, МИБ туман бўлими орқали келган хабарномада электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан унга 2 млн. сўм қарздорлик ҳисобланган. Унинг мурожаати сабаб нафақа пулидан ойма-ой тўлаб борган тўлов қоғозлари текширилиб, қайта ҳисоб-китоб қилинди. Натижада, истеъмолчининг ҳеч қандай қарзи йўқлиги аниқланди.

### ТЎРАҚЎРҒОНДА ҲАМ ШУ ГАП

Тўрақўрғонлик Абдурасул Ғаниев хонадонига туман газ таъминоти корхонасидан табиий газ учун 1 млн. 371 минг 692 сўм қарздорлик борлиги ҳақида маълумотнома келган. Федерация ходимларининг суриштирувлари натижасида унинг қарзи 266 минг 320 сўм миқдорида экани маълум бўлди. Қолган асоссиз қарз бекор қилинди.

### СУВ ЙЎҚ, ЖЎМРАК ЙЎҚ, АММО...

Қува тумани «Пахтакор» МФЙ Ўзбек кўчасида яшовчи бир гуруҳ фуқаролар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясига мурожаат қилишди. Аризага «Сувоқова» ДУК Қува филиали томонидан ичимлик суви бўйича асоссиз равишда қарздорлик ҳисобланаётганлиги сабаб бўлган.

Ушбу ҳолат юзасидан тегишли ўрганишлар олиб борилганда, аҳоли тоза ичимлик сувини узоқдан ташиб келиши аниқланди. Қарангки, 131 нафар истеъмолчи корхона компьютер базасига ичимлик суви истеъмолчиси сифатида киритилган ва уларга 2019 йил 1 май ҳолатига 33 676 402 сўм қарздорлик ҳисобланган экан. Бир неча чақирим узоқдан сув ташиб сарсон бўлаётган маҳалла аҳлига «ичимлик сувидан қарздорлигинг бор», дейишгани, айниқса, ошиб тушган. Бу қарздорликнинг ҳисобдан чиқарилишига эришилди.

Шу ўринда бир савол туғилади: бугун барча вилоят, тумандаги электр ва газ таъминотлари, «Сувоқова» корхоналари маълумотлар жойлаштириладиган тизимни назоратга олиш вақти келмадими?

Яна бир гап... Мажбурий ижро бюросининг айрим ходимлари қарзни ундириш учун борганда бу қарздорлик асоссиз, деган фуқарога қўполлик қилмай, ҳолатни аниқлашга кўмак берса, биргаликда масалага ечим изланса, нур устига нур бўлар эди.

**Гулноза ШАРАФОВА,**
Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси етакчи мутахассиси

Эълонлар

## «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

*босқичма-босқич ошиб бориш шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!*

Аукцион савдосига Тошкент вилояти Тошкент тумани аукцион комиссиясининг буюртманомасига асосан Тошкент тумани, Ҳасанбой қишлоғи, «Ҳасанбой Агро Нур» агрофирмаси ҳудудида фаолият юритиб келаётган «MIRZIYOVIDDIN OTA AGRO» фермер хўжалигидан туман захирасига олинган, қишлоқ хўжалик харитасининг 60к-61к-62к-контурларида жойлашган жами 8,38 гектар, шундан 6,0 га. ер майдонида жойлашган «Боғзор» қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 14 712 180 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 26 август куни соат 15:00да Тошкент тумани ҳокимлиги биносида бўлиб ўтади.

Талабгорлардан буюртманомалар қабул қилиш эълон чиққан кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Мазкур «Боғзор» 2019 йил 26 август куни сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2019 йилнинг 9, 16, 23 сентябрь кунлари соат 15:00да бўлиб ўтади ва такрорий савдолар учун буюртманомалар қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: «Ипак йўли» АИТБнинг Тошкент шаҳар Миробод филиали, ҳ/р: 20208000804876496001, МФО: 01101, СТИР: 301743808) тўлашлари лозим.

Шунингдек Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМСга асосан талабгорларга кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатилади ҳамда риэлторлик хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар тузилади.

**Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:**

**– юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома;

**– жисмоний шахслар учун** – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, жамиятнинг расмий иш кунларида соат 9:00дан 16:00 гача Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси 13-уйда қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади.

Такрорий савдолар учун савдодан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни www.realtorg.uz ёки 95-170–78-13 телефон рақами орқали олиш мумкин.

**Хизматлар лицензияланган.**

## «BEST REALTOR» МЧЖ ФАРҒОНА МИНТАҚАВИЙ ФИЛИАЛИ

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!*

Аукцион савдосига «Водийнефтгазишчитаъминот» МЧЖнинг 25.07.2019 йил кунги 22-сонли буюртма хатига асосан «Водийнефтгазишчитаъминот» МЧЖ «Машъал» ШКга тегишли, Фарғона вилояти, Риштон тумани, «Зарариқ» МФЙ, Фарғона кўчасида жойлашган, умумий майдони 342,64 кв.м. (режа бўйича 0014-литердаги омбор)дан иборат «Маъмурий бино, ишлаб чиқариш цехлари ва омборлари» бино-иншоотлари бир қисми қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси – 44 407 000 сўм.**

Аукцион савдо 2019 йил 27 август куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Буюртмалар расмий иш кунлари соат 9:00дан 16:00гача қабул қилинади (13:00дан 14:00гача тушлик).

**Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2019 йил 23 август, соат 17:00.

**Савдога қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

**– юридик шахслар учун** – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

**– жисмоний шахслар учун** – паспорт нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисобрақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси – «Best realtor» МЧЖ Фарғона минтақавий филиалининг ҳисобрақамига (банк: «Трастбанк» Фарғона филиали, ҳ/р: 2020 8000 3004 3360 1012. МФО:01123, СТИР: 303179580) тўлашлари шарт.

**Савдо ўтказиладиган манзил:** Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават, 6-хона. Телефон: (99895)402-54-75. **Электрон манзил:** www.emulk.uz. best.fergana@mail.ru.

**Лицензия RR-0225.**

## БИЛДИРИШ!

Газетанинг 24.07.2019 йил кунги сонида «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ томонидан берилган хабарномадаги Лада-21074-110-30 русумли, 2008 йилда и/ч, д/р: 40 821 ЕАА бўлган автотранспорт воситасининг бошланғич баҳоси 514 000 сўм ўрнига, 8 514 000 сўм деб тузатиб ўқилсин.

**Мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси, 45-уй. Тел: +99895-402-54-75.**

**Гувоҳнома № 1894.**

Тошкент шаҳри, Олмазор туманида жойлашган 233-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2019 йилда Анваров Асрор Аброрович номига берилган UM №0266240 рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.

◂1

# Илмий унвон нимага керак?



Яна бир гап: ОАК ҳозирги кунда ҳар бир тадқиқотчидан 450 минг сўм ундиради (плагиатликни текшириш баҳонасида) ва бюллетенини тадқиқотчиларга «ихтиёрий-мажбурий» тарзда 250 минг сўмга пуллайди. Бу маблағ нимага сарфланишини эса ҳеч ким билмайди.

Шогирдим кечинмаларини яхши тушунаман. Ёши қирқдан ошиб қолган. Иш, оила боқиш, ижтимоий бурчларни бажариш, илмий тадқиқотлар билан шуғулланиш унга оғирлик қиляпти. Бошқа соҳага ўтиб кетай деса, орият йўл қўймайди. Дурустгина мақолалар ва рисолалар чоп эттирган. Ёзиш, фикрлаш, илмий мушоҳада ва мубоҳасаларга иқтидори етарли. Диссертациясини ҳам муҳокамага қўйишга тайёр. Синчиклаб қарасам, PhD бўйича диссертация ёзаётганларнинг аксарияти қирқ ёшга яқинлашиб қолган, баъзилари эса ундан ҳам ошган.

Фикримча, олий ўқув юрти билан илмий тадқиқот олиб бориш, диссертация ҳимоя қилиш ўртасида номутаносиблик мавжуд. Ўқув юрти ходимларидан илмий даражаларни талаб этади-ю уларга деярли ҳеч қандай шароит яратиб бермайди. Илгари диссертация билан банд ходимларга уч ойгача бошқа шаҳар ёки мамлакатларда хизмат сафарига бориб келишга рухсат этилган, барча сарф-харажатлар ўқув даргоҳи бюджетидан қопланган. Илмий ходим олти ойгача маоши сақланган тарзда, ижодий таътил олиши мумкин эди. Энди-чи? Бир кун дарсга борманг-чи... Ҳозирда ўқув юртлари ходимлари ҳар куни олти соатдан вақтини иш жойида ўтказиши шарт. Дарси борми ёки йўқ, бу ҳеч кимни қизиқтирмайди, ходим иш жойида бўлиши шарт, тамом-вассалом! Маърузалар ва амалий машғулотлар режаларини тайёрлашнинг чеки-чегараси йўқ, фанлар тинмай ўзгартирилаверади. Нима учун ўзгартирилаётганини ҳеч ким билмайди. Эмишки, жаҳон стандартларига ўтяпмиз. «Жаҳон стандарти» дегани нима ўзи? Ким уни кашф этган? Фан ўзгаргач, унга дастурлар, маърузалар, режалар тайёрлаш лозим, чоп этилган дарсликлар эса йўқ. Масалан, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими» йўналиши учун «Глобаллашув асослари» деган фан ўйлаб топилган. Унинг дастурини Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ходимлари Х.Жуманиёзов ва А.Расулова тузган. Уларга раҳмат, борни йўқ қилишни бошлаб беришгани учун. Лекин дарсликнинг ўзи қани? Ўқитувчи нимага асосланиб дарс ўтади, йўқ фанни бор деб кўрсатади? «Этномаданият», «Фуқаролик жамияти», «Маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш методикаси» каби қатор янги предметлар жорий этилганки, уларга оид ўқув қўлланмалари ёки дарсликлар яратиш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмайди. Тўғри, «Этномаданият» предмети бўйича ҳамкасбларимдан бири ўқув қўлланма тайёрлаб, уни вазирликка тақдим этган. Лекин вазирлик уни чоп этишни муаллиф зиммасига юклаган. Жуда ғалати ҳол эмасми?

> ***Икки-уч нафар иқтисодчи ва ҳуқуқшунос, тарихчи, тарбияшунос ва адабиётшуноснинг оммавий ахборот воситаларида мақолалари онда-сонда кўзга ташланиб қолади. Илмий даражаларга эга физикларимиз, химик, биолог, математик, агромутахассисларимиз, маданиятшуносларимиз қани? Нега академикларимиз жим? Уларни жамиятимиз тақдири, миллатимиз келажаги қизиқтирмайдими?***

ОАК илмий ходимдан тадқиқотини амалиёт билан боғлашни талаб қилади. Бу ўринли, албатта. Реал ҳаёт кун тартибига қўяётган муаммоларга ечим топишда илм-фан ходимлари фаол қатнашиши зарур. Бироқ, илм-фанни қуруқ назарияларга айлантиришга интилиш, минг афсуски, сақланиб қолмоқда. Баъзи мавзулар, изланишлар назарияга айлангани билан илмий янгилик бўлиши мумкин. Шундай кучли назария, фалсафий асоснинг етишмаслиги туфайли кўпгина тадқиқотлар ОАК жавонларида чанг босиб ётибди. Аммо бу борада асосланган ва самарали бирорта ҳам йўриқнома, ишланма яратилмаган. Илмий ходимлардан талаб этилаётган далолатномалар эса ҳеч қачон самара бермаган, уларнинг амалиётга қўшган ҳиссаси таҳлил қилинмаган. Нега ОАК ўқув даргоҳларини илмий ишланмалар жорий этиладиган масканлар қаторидан чиқариб қўйган? Ахир, бўлғуси олий малакали мутахассисга илмий ишланмалар фойда бермайдими? Бу ноўрин талабдан воз кечиш керак. Илмий ишланмаларни, айниқса, ижтимоий гуманитар соҳада, амалиёт билан боғлаш муаммо бўлиб қолмоқда. Илмий ишланмаларни тадқиқот якунлангач, амалиётга жорий этиш тартибидан тадқиқотни бошлашдаёқ амалиёт билан боғлаш тартибига ўтиш устида ўйлаб кўриш зарур.

Жамиятимизда рўй бераётган шиддатли ўзгаришлар кўпчилигимизни гангитиб қўймоқда. Тайёр қолипларда фикрлашга, ишлашга ўрганган илм аҳли, оддий фуқароларга қўшилиб, «қаерга боряпмиз ўзи?», деган саволни такрорлаётгани сир эмас. Қаранг, Президентимиз ҳар куни бир неча расмий ҳужжат қабул қилмоқда, жамиятни инновацион ривожланишга даъват этмоқда. Унинг ишчанлиги, ҳаракатчанлиги илм аҳли учун намуна бўлиши керак эмасми? Аммо ўн минг нафардан зиёд илмий даражали ходимлардан бармоқ билан саноқлисигина бўлаётган ўзгаришларни англашга, моҳиятини тушунтиришга ўзида куч топмоқда. Икки-уч нафар иқтисодчи ва ҳуқуқшунос, тарихчи, тарбияшунос ва адабиётшуноснинг оммавий ахборот воситаларида мақолалари онда-сонда кўзга ташланиб қолади. Илмий даражаларга эга физикларимиз, химик, биолог, математик, агромутахассисларимиз, маданиятшуносларимиз қани? Нега академикларимиз жим? Уларни жамиятимиз тақдири, миллатимиз келажаги қизиқтирмайдими? Уларнинг айримлари 30-40 йил аввал ёзганларини тавтологик тарзда «янгилаб», кўз-кўз қилишгагина ярайди. Илмий унвон уларга илмий иқтидорнинг чўққиси бўлиб кўринади, шекилли?.. Аслида эса илмий унвон янги-янги илмий изланишларга ундаши билан қадрлидир. Олимларимиз жуда нари борса, диссертациясини китоб қилади ёки уни бирор нима билан тўлдириб, китобча яратади.

Умуман, улар бугун нима билан банд, деган саволга аниқ жавоб топиш қийин. Жамиятдан бегоналашув шу даражада авж олганки, икки-уч баробар оширилган маош ҳам ижодий фаолликни қотган жойидан силжитолмаяпти. Давлатимиз раҳбари илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш мақсадида олимларга зарур шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини кўрмоқда. Лекин натижа қани? Нега ўқув юртлари учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари йўқ? Нега олимларимизни халқаро тадқиқотларга жалб этишмайди, улар асарларига тақризлар учрамайди? Фахр уйғотадиган илмий ишланмалар, кашфиётлар қани? Ҳайратли томони шундаки, бугун диссертация ёзиш ва ҳимоя қилиш бир неча «номдор» олимлар қўлида қолмоқда. Илмий семинарлар ва илмий кенгашларни янгилашнинг имкони йўқ, чунки ёш, бошқача фикрлайдиган фан докторлари топилмайди. Уларга чет эллик мутахассислар жалб қилинмайди. Бундай вазиятда бирор янги фикрни, ёндашишни илм-фанга олиб кириш қийин. Илмий семинар ва илмий кенгашдаги «номдор» олимлар тақдирини ҳал этишини билгани учун ёш тадқиқотчи улар олдида қуллуқ қилиб туришга мажбур.

> ***Агар сиз янги ёндашувни илгари суролмасангиз, тадқиқотингиздаги илмий янгиликни айтолмасангиз, энг катта тўсиқ ОАКдан келаётган бўлса, илмий унвон нимага керак? Ўрта ҳисобда PhD илмий унвонини олиш учун ёш тадқиқотчи камида 6-7 йил умрини сарфламоқда. Баъзилари 10-12 йиллаб сарсон бўлиб юрибди.***

Агар сиз янги ёндашувни илгари суролмасангиз, тадқиқотингиздаги илмий янгиликни айтолмасангиз, энг катта тўсиқ ОАКдан келаётган бўлса, илмий унвон нимага керак? Ўрта ҳисобда PhD илмий унвонини олиш учун ёш тадқиқотчи камида 6-7 йил умрини сарфламоқда. Баъзилари 10-12 йиллаб сарсон бўлиб юрибди.

Мен илмий унвон мутлақ керак эмас, деган фикрдан йироқман. Тажриба кўрсатадики, илмий унвон олиш учун изланиш кишининг дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатади, уни кашфиётлар қилишга ундайди. Китоб мутолаа қилиш, мавжуд тажрибаларни ва тафаккурий бойликларни ўзлаштириш унинг ҳаёт тарзига айланади. Ньютондан «шундай доҳиёна фикрни қандай топгансиз?», деб сўрашганида, у «донолар елкасида ўтирган эдим», деб жавоб берган экан. «Донолар елкасида ўтирмай» кашфиётлар қилган олим бўлган эмас. Илмий изланиш ана шу тарзда қадр топади. Аммо мен илмий унвонларга эга ходимларни ҳам қолган барча ходимлар билан тенг тарзда, қилаётган меҳнатлари, яратган илмий асарлари ва ишланмаларига қараб тақдирлаш тарафдориман. Илмий унвон учун алоҳида тақдирлаш тартибидан воз кечиш керак. Олий ўқув юртларида шундай ходимлар борки, уларнинг дунёқараши, билими илмий унвонли ходимларникидан кам эмас, аммо улар илмий унвони бўлмагани учун назарга тушмайди. Бу эса адолатдан эмас.

Илмий унвонга эга кишиларга донолик хазинаси, ҳамма нарсадан хабардор олим, ноёб иқтидор эгаси, шу боис, уларни юқори лавозимларга қўйиш зарур, деган эски ёндашувдан, тасаввурдан ҳам воз кечиш вақти етди. Докторлик диссертацияси ёқлагач, республика миқёсидаги юқори лавозимга қўйилган ҳамкасбларим ҳам бўлган. Лекин эплай олмаган, унинг ўрнини оддий, илмий унвонсиз ходим эгаллаган. Мана, йигирма йилдирки, у шу лавозимда ишлаб келади. Демак, илмий унвон билим, тажриба беравермас экан. Илмий семинар, илмий кенгаш, ОАК чиғириқларидан ўтиш тадқиқотчини қуллуқ қилишга ўргатади, бу чиғириқдан ўтгунча, унда бирор нима яратиш иштиёқи сўнади. Тўғри, баъзи олимларимиз изланишларини давом эттиришади, китоблар чоп этишади, лекин улар ана шу чиғириқлардан ўтиш пайтида шаклланган тасаввурларидан ташқарига чиқолмайди.

Янги, бетакрор ёндашувга эга илмий назариялар, экспериментлар, ишланмалар йўқлиги бизни Европа ва АҚШ тажрибаларини ўзлаштиришга мажбур қилмоқда. Кўп ҳолларда бу ўзлаштиришлар миллий менталитетга ёт экани шундоқ кўриниб туради. Олимларимиз эса оддий томошабин. Мен илғор давлатлар тажрибалари, билимларини ўзлаштиришга қарши эмасман, аммо бу ўзлаштиришлар халқ, миллатнинг қалбига сингиши учун, аввало, олимларимиз жон куйдириши даркор. Фуқароларга жамиятда кечаётган зиддиятларга тўла ўзгаришларнинг моҳиятини, демократик янгиланишнинг азиятларини, қаерга бораётганимизни биринчи галда олимларимиз очиб беришлари, оддий атрофлича тушунтиришлари керак.

Илмий унвон олиш учун изланиш бошқа, илмий кашфиётлар қилиш учун изланиш бошқа. Уларни аралаштириб юбормаслик зарур. Илмий унвон олиш учун бўлган изланишлар деярли кашфиётларга олиб келмайди, уларнинг мақсади ва вазифалари мутлақо бўлак. Кашфиётлар қилишга қаратилган изланишлар эса илмий унвонларга эҳтиёж сезмайди, уларга ижод жараёнининг ўзи завқ беради. Биринчиси, «номдор» олимларга авторитет, деб сиғинади, у илм-фанга эмас, балки ушбу авторитетларга қуллуқ қилади. Иккинчиси учун авторитет, бу – кашфиёт. Ижод завқи. Бизга қайсиси муҳим? Буни, аввало, шахснинг ўзи белгилайди, ижод турини танлаш унинг ҳуқуқи. Лекин жамият, халқ равнақини кўзлайдиган, келажак учун ўзини масъул биладиган фидойи ақл эгалари кашфиётлар қилиш учун изланади. Янгилик яратади. Шундай ақл эгаларини илмий унвонларнинг ўзи излаб топади.



**Виктор АЛИМАСОВ,**
*фалсафа фанлари доктори*

## Ён дафтардан



### Ечим

Ечим юзада тургандек туюлса, ҳушёрликни оширинг. Чунки масала анча чуқур кетган бўлади.

### Англаш

Эртани яхшироқ англаш учун, унга индиннинг кўзи билан боқмоқ керак.

### Фикр эгаси

Агар ўзганинг фикри сеникига мос келса, у энди ўзганики эмас.

### Рози қилиш

Кўпчиликнинг кўнглини бараварига олиш йўлларидан бири – бу кўпчилик сонини камайтиришдир.

### Тушдаги умрлар

Агар сиз ҳеч туш кўрмаётган бўлсангиз, билингки, сиз худди тушдагидек яшаяпсиз.

### Шикоятга ўрин йўқ

Агар сиз дўхтирга хотирангиз пастлигидан шикоят қилган бўлсангиз-у, лекин ўша кун эсингизда турган бўлса, хотирангиздан нолиманг.

### Одам ва либос

Одамга ярашмайдиган либос ҳам, либосга ярашмайдиган одам ҳам бўлади.

### Кўп ўйлаш

Кўп ўйлаганинг сайин, кўп ўйлаш ҳам яхши эмаслиги ҳақида ўйлай бошлайсан.

### Ўзига яраша

Ҳамманинг ўзига яраша иши бор. Масалан, кимдир мих ясайди, кимдир уни қоқади, кимдир унга қоқилади.

**Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,**
профессор

## Турмуш чорраҳаларида

# «Бу киши...»

Ота қабулхонада анча вақт кутиб қолди. Ичкарига икки бор чойнак кўтариб кириб чиққан котибага саволомуз қарашлари ҳам наф бермади. Котиба: яна бироз кутасиз, дейишдан нарига ўтмади.

Охири чидамади:

– Сизларда тушлик нечадан?

Котиба индамади, иш столи ёнбошидаги тугмача чириллаши билан чимирилганча яна ичкарига йўл олди. Сал ўтмай кўтариб чиққани бўғзигача тўла салафанни зардаси қайнаб девор ёнига қўйди.

– Энди кираверинг.

Ота бошлиқ хонасига кирди-ю, бир зумга талмовсираб қолди. Яхшики, кўз илғамас олисдан келган овоздан ҳушёр тортди.

– Нечук, нечук, қадамларига ҳасанот, бир кўриб кетай дебсиз-да, отам!

Ҳаққул ота ўғлининг қучоғида ўзига келди.

– Жуда буёғи шоҳона бўлиб кетибди-ю, – деди ярим фахрланиш, ярим ижирғаниш оҳангида. Унга ҳамон қабулхонада сарғайиб ўтиргани алам қилаётганди.

Пойгакроқдаги столга қарама-қарши жойлашиб олишгач, бошлиқнинг «ҳасрат» дафтари очилди.

– Бош қашишга вақт йўқ. Мана, кўриб турганингиздек, тушликни ҳам хонамга келтиряпман. Ётарим ҳам, турарим ҳам шу каталак бўлиб қолган.

Ота кулди:

– Важоҳатингдан ҳеч нолийдиган эмассан, шекилли. Аксирсанг, думоғингдан қурт ёғадигандек бўлиб турибди-ку!

Ўғил беихтиёр бурнини ишқалаб қўйди.



Шу пайт телефон жиринглаб, ўғил кимлиги ёдига тушгандек иш столи томон югургилаб борди-ю, одамни кўмиб юборадиган тахлит келбатли креслога чўкди. Чамаси беш дақиқалар нималарнидир гаплашиб олди, лекин қайтиб жойидан турмади.

Ота «сафари қаригани»ни ҳис қилиб, жойидан қўзғалди.

– Майли, мен борай, шаҳарга тушиш баҳонасида сени бир кўрай, дегандим.

Бошлиқ ёнбошдаги тугмачани босди. Сўнг пойгакда пайдо бўлган котибага буюрди:

– Мамарайимга айтинг, бу кишини кузатиб қўйсин.

Ота бир зумда «бу киши»га айланиб қолганини эшитиб, бўралаб сўкиб юборишига бир баҳя қолди. Нима бўлса ҳам бошлиқ – бошлиқ-да...

Мамарайим деганлари, кейин билсаки, бухгалтер бўлиб ишларкан, отани машинагача кузатиб қўйди.

Ота уйга кела солиб... хат ёзишга тушди.

– Ҳурматли... Ўғлим сизнинг қўл остингизда, «фалон идора»да раҳбар бўлиб ишлайди. Сиздан илтимос, уни эгаллаб турган лавозимидан бўшатсангиз. Фақат важ, сабаб керак, деб текшир-текшир қилиб ўтирманглар. Яхшилик билан дегандек... Ҳар ҳолда у менинг пушти камаримдан дунёга келган, гап эгасини топадиган таънали кунда яна мендан ўпкаланиб юрмасин...

**Муҳаммад ЗАЙНИДДИН**

**МУАССИС:**

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Баҳоси келишилган нархда.**

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон – (+998-99) 889-90-23
Бухоро – (+998-99) 889-90-31
Жиззах – (+998-99) 889-90-34
Наманган – (+998-99) 889-98-02
Навоий – (+998-99) 889-90-28
Тошкент – (+998-99) 889-90-25
Самарқанд – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё – (+998-99) 889-90-32
Фарғона – (+998-99) 889-90-24
Хоразм – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
Т. Шернаев
**Мусаҳҳиҳ:**
С. Шодиева
**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов

ЎзА якуни – **00:50**
Топширилди – **02:00**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г – 717.**
**28020** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5